

Xabar

45
(999)-son

11-noyabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Электрон тўлов: ҲАМ ТЕЛЕФОНДА, ИНТЕРНЕТДА



13-бет

Тўлов амалиётларининг электрон шаклда амалга оширилиши буюртмачи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги муносабатларнинг тезкор ва сифатли бўлишига хизмат қилади. Бугунги кунда тadbirkorлар масофадан туриб дунёнинг турли минтақаларидан ҳамкор топиш ва тижорат ишларини юритиш, маҳсулот ва хизматларни жаҳон бозорига олиб чиқиш имконига эга.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, электрон тўловлардан фойдаланиб давлат эҳтиёжлари учун электрон харидни амалга ошириш давлат бюджети харажатларини 20-40 фоизга, тadbirkorлар учун эса ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархисини 5-10 фоизга камайтириш имконини беради. Бугун юртимизда ахборот ва коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши, яратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ва технологик инфратузилма ҳўжалик юритувчи субъектларга, жумладан, тadbirkorларга интернет ва мобил алоқа воситалари орқали электрон тўловлар, электрон тижорат тизимидан самарали фойдаланиш учун қулай шароитларни яратмоқда. Ушбу мақоламизда ташкил қилинганига кўп бўлмаган, аммо етарлича фойдаланувчиларига эга "SMS-To'lov" ва Websum электрон тўлов тизимлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

Жанубий Корея фан ва технологиялар институти (KAIST) томонидан эгилувчан, бироқ функциялари ва иш суръати одатдагиларидан тафовут қилмайдиган микросхемалар тайёрлаш имконини берувчи янги технология ишлаб чиқилди. Келгусида бу технологияга асосланган микросхемалар эгилувчан қурилмаларда хотира карталари сифатида кенг қўлланилиши кутилмоқда.



Ушбу сонда:

Ўқув жараёнларида инновацион технологиялар	2
Ватан ҳимояси — муқаддас бурч	4
Совершенствуюя нормы закона в области телекоммуникаций	6
Мобил телефон. Сўзлашиш одоби	12
Отамдек улуғларим	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмоқда «Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлишга шошилинг!



Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Венгрия Республикасининг Президенти Пал Шмитт 2011 йил 6-8 ноябр кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятта молик долзарб муаммолар муҳокама қилинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилган давра суҳбати Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг мустақилликни қадрлаш, асраб-авайлаш ва ўзликни англашга даъват этувчи тарихий манба сифатидаги аҳамиятини кенг тарғиб қилишга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун нормаларини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қўйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида транспорт, логистика, автомобиллар ва уларнинг бутловчи қисмлари, қўриқлаш ҳамда хавфсизлик йўналишларига ихтисослаштирилган учта халқаро кўргазма бўлиб ўтди. Ушбу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар ҳамда "Тошшаҳартрансхизмат" уюмлари, Савдо-саноат палатаси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг кўмагида "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Италия парламенти депутатлари палатасининг "Сан Клаудио" залида мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон Республикаси 1991-2011 йилларда: тараққиётнинг мустақил йўли, ананалар ва замонавийлик" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбир юртимизнинг Римдаги элчихонаси кўмагида Италия парламенти ҳамда Италия Осиё мамлакатларини ўрганиш институти томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.
Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, V боб, 18-модда.



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хайъатининг навбатдаги йиғилиши ТАТУ ва касб-хунар коллежларида мутахассисларни ўқитишда инновацион технологияларнинг қўлланилиши ва моддий-техника базасининг ҳолати муҳокамасига бағишланди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Хайъат раиси Ҳ.Муҳитдинов бошқарди.

Қун тартибдаги масала юзасидан Агентликнинг таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва инновация технологиялари бўлими етакчи мутахассиси Ж.Пўлатов маъруза қилди. Маърузачи ўз нутқида ТАТУ ва касб-хунар коллежларида мутахассисларни

кафедра филиаллари ташкил этилган.

ТАТУ ва унинг филиаллари ўртасида масофавий таълимни амалга ошириш учун Huawei компаниясининг видеотерминал жиҳозлари ва сервер маршрутизаторлари университет ва унинг барча филиалларига ўрнатилди ҳамда

Ўқув жараёнларида инновацион технологиялар

ўқитишда инновацион технологияларнинг қўлланилиши ва моддий-техника базасининг ҳолати ҳақида маълумот берди.

Ҳозирги кунда университетда ўзаро ҳамкорлик ва интеграцияни ривожлантириш мақсадида 17та ўзаро ҳамкорлик шартномаси ва меморандумлар имзоланган, шулардан 10таси соҳа корхона ва ташкилотлари билан, олтитаси Ўзбекистон телекоммуникация бозорида фаолият олиб бораётган чет эл корхоналари билан, биттаси бошқа йўналишдаги ташкилот билан тузилган. Университетда Агентлик тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг 30 нафар юқори малакали мутахассиси иштирокида амалий дарслар олиб борилди.

ТАТУ ва унинг ҳудудий филиалларини компютерлаштириш, моддий-техник базасини бойитиш, компютер синфларига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида 2011 йилда ТАТУ 158та, Фарғона филиали 18та, Самарқанд филиали 12та, Қарши филиали 12та, Урганч филиали 23та, Нукус филиали 20та компютер билан таъминланди.

"Ўзбектелеком" АК томонидан ТАТУ ахборот-ресурс маркази фонди 2011 йилда харид қилинган жами 2098та ўқув адабиётлари билан таъминланди.

Университетда корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда телекоммуникация қурилмалари билан жиҳозланган 12та ўқув лабораторияси ташкил қилинди. Бундан ташқари, университетнинг "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение узатиш маркази" ДУҚда ва "Академасбоб" корхонасида, 224-ЭАТСда учта

ТАТУ ва унинг филиаллари ўртасида масофавий таълимни амалга ошириш учун Huawei компаниясининг видеотерминал жиҳозлари ва сервер маршрутизаторлари университет ва унинг барча филиалларига ўрнатилди ҳамда ўқув жараёнига татбиқ этилди.

ўқув жараёнига татбиқ этилди. ТАТУ малакали профессор-ўқитувчилари ҳафтада 8 соатдан филиал талабаларига ахборот технологиялари ва дастурлаш тили бўйича машғулотлар олиб бормоқда. Университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари томонидан видеоконференцалоқа орқали маърузалар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 январдаги 08/8-106-баёнига асосан алоқа, ахборот ва компютер технологиялари йўналишларида мутахассисларни тайёрлайдиган 74та касб-хунар коллежлари Агентлик тизимидаги корхона ва ташкилотларига бириктирилган.

Ҳозирги кунда соҳа йўналишидаги касб-хунар коллежларининг АКТ бўйича жами 918 нафар ўқитувчисининг 610 нафарининг малакаси оширилган, 308 нафари эса йил охиригача мала-

➔ HAY'AT YIG'ILISHIDA

касани оширади. Барча 74та касб-хунар коллежларига "Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли лугати", "Телекоммуникация" йўналишида 52та ва "Ахборот технологиялари" йўналишида 120та электрон ўқув мажмуалари топширилди ҳамда 30 дондан "Интернет: тарихи, тузилиши, хавфсизлик масалалари" номли ўқув қўлланмалари билан таъминланди. Шунингдек, касб-хунар коллежларида ҳомийлик асосида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Матбуот тарқатувчи" АК, вило-

ят АРМлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари тақдим этилди ҳамда АКТ соҳасидаги ва бошқа даврий нашрларга ҳомийлик асосида обуна ташкил қилинди.

Агентлик томонидан алоқа, ахборот ва компютер технологиялари касб-хунар коллежларида ҳомийлик ёрдами асосида "L-Plata" ўқув тўплами ва "Виртуал электроника" бўйича лаборатория жамланмасидан иборат ўқув амалиёти хоналари ташкил этилмоқда.

"Ўзбектелеком" АК, "РЧДК" ижроия дирекцияси, "ЭМММ" ДУҚ, "РРТМ" ДУҚ, ТАТУ, "UNICON.UZ" ДУҚ, "ЎЗТТБРМ" ДУҚ, "ОКСММ" томонидан "Компютер ва компютер тармоқларини таъмирлаш ва сошлаш бўйича техник" йўналиши мавжуд 38та касб-хунар коллежига ўқувчиларнинг амалиётда фойдаланиш, таъмирлаш ва сошлаш бўйича амалий кўникмаларини ошириш мақсадида фойдаланишдан чиқарилган техник жиҳозлар берилди.

Соҳа касб-хунар коллежларининг жами 226 нафар ўқитувчиси ТАТУ ва унинг филиалларида ўз малакасини оширди.

Алоқа, ахборот ва компютер технологиялари йўналишидаги компютер техникаси билан таъминланмаган 7та касб-хунар коллежига 15 дондан компютер техникаси ва бир дондан принтер қурилмаси берилди ҳамда уларда "Ўзбектелеком" АК томонидан ҳомийлик асосида локал тармоқ ташкил этилди.

Хайъатда қўрилган масала атрофлича муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Имкон бор — бахтимиз бор

Янгиқўрғонлик алоқачиларнинг меҳнатига, ғайратига тан бермай илож йўқ. Йўқни бор қилишда ҳам, уларга етадигани бўлмаса керак. Иланишми, имкон қидиришми, дарча-барчасини дундириб қўйишди. Шундай фидойилар бор эканки, иш юз, ёруғ юз.

Мардларчасига бир иш қилиб қўйдик-да, — дея гап бошлади туман почта алоқаси тармоғининг бошлиғи Рустамжон Турдиев. — Ҳеч ким назар-писанд қилмайдиган, сувга зор дашт-дан 5 гектар ерни ўзлаштирдик, боғ қилдик. Бу тақир ерларни кўрган маманан деган деҳқонлар ҳам шу ерда ҳам боғ-роғ битганим, дея ёқа ушлаган.

Ҳа, хайрли иш бошланиб кетди. Омад қилиб боқди. Чўл чекина бошлади. Жамоанинг 82 нафар ходими катта ишга бирдай киришди. Сафарбарлик кучи салмоқли. Боғмисан боғ яратилипти. 600 тул олма, 700 тул олхўри, 100 тул ёнгоқ кўчатлари ўтказилган эди. Гуркираб ўсаяпти, кўкка бўй чўзаяпти. Каттакон майдоннинг бир қисмида картошка етиштиришга киришилди. Ҳосилки, бир бўлиб берди. Ҳаш-паш, дегунча 6 тонна сифатли картошка йиғиб-териби олинди. Саховатни қаранг, бу картошка вилоят алоқачиларига бепул тақсимланди. Энди эса алоқачилар боғида кузги-қишқи ишлар авж олиб кетди.

Бог ўз йўлида. Жамоанинг элга хизмати қандай, дерсиз. Ана шу масала билан ҳам қизиқдик. Ўтган олти ойлик хизматнинг ўзи салмоқли. Умумий даромад 65 миллиондан ошди. Хат-хабар, марка, пул жўнатмаси, посилка, на-

фақалар бериш, матбуот, телефон сўзлашуви, чакана савдо хизматлари аъло даражада. Шу ҳақда алоҳида тўхта-ламиз. Обуна йўриқчиси М.Аҳмедова "Ўзбекистон Республикаси Мустақил-лигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланди.

Вилоят алоқачи-ларига 6 тонна картошка бепул тақсимланди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томо-нидан ўтказилган "Энг яхши почта ало-қаси тармоғи бошлиғи ўринбосари — муҳандис технолог" кўрик-танловида бошлиқ ўринбосари Б.Деҳқонов 2-ўринни эгаллаб, фахрий ёрлик ҳамда пул мукофотига сазовор бўлди. Шунинг-дек, Замир алоқа бўлими хабарчиси А.Саломов фахрий ёрлик ҳамда энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдори-даги пулга эришди. Ишлагандан сўнг оласан-да. Белгиланган режа ва топши-риқларни вақтида бажарган, аҳолидан олинган коммунал тўловларини дундирган 13 нафар хизматчилар қим-матбаҳо совғалар билан тақдирланиш-ди. Булар қаторида Мамай, Кўкёр, Ҳадикент, Калишо, Заркент хабарчи ва бўлим бошлиқларидан Валижон Мир-

зараҳимов, Улугбек Қодиров, Қувват Мамадаминов, Муродулло Ҳасанов, Муҳаммаджон Акбаров ва бошқалар бор.

Мен журналистик фаолиятимда жуда кўплаб ташкилот раҳбарлари би-лан суҳбатлашганман. Лекин янгиқўр-ғонлик алоқа саркори туғма раҳбар, иш жараёнини шундай тушунтирадики, шу соҳага кирганингизни билмай қоласиз. — Ўзимизнинг сеvimли "Xabar"имиз жамоатчи мухбири экансиз, биз ҳақимизда мақола ёзсангиз, ходимла-римиз ҳақида ҳам икки оғиз бўлса ҳам ёзиб қўйинг, — деди кўзлари ёниб Рустамжон Турдиев.

Рустамжоннинг назарида Кўкёр раҳбари Ҳикматулла Хайруллаев, Навкентдан Юсуфжон Дўстбоев, Ро-вутдан Комилжон Турсунов, Ҳўжаш-ўрқентдан Абдулҳай Тўхтабоев, Ҳали-кентдан Абдурахмон Ғофуров, Нанай-дан Дилбархон Тўхтабоевалар ўзлари бошқараётган алоқа тармоқлари иши-ни қойил қилиб қўйишган.

...Янгиқўрғон алоқачиларининг сар-кори Рустамжон Турдиев иш фаолият-ини оддий хабарчиликдан бошлаган. Кейинчалик Ровут алоқа тармоғи бош-лиғи бўлган. Юзлаб шогирдлар тарби-ялаган. Унинг мақсади янгиқўрғонлик алоқачилар ишини янада яхшилаш, шароитларини бут қилиш, ташкилот шухратини янада оширишдир.

Йўлни йўловчи енгади, деганлари шу бўлса керак-да.

Пўлат ҲАМДАМ
Наманган вилояти



Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, II боб, 13-модда.

Етакчилар учун семинар

Барча тармоқларда бўлганидек, алоқа соҳаси корхона ва ташкилотла-рида ҳам меҳнат муҳофазаси, хавф-сизлик техникаси ва ёнгин хавфсиз-лиги қондаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Жойлардаги касаба уюшма фаолларининг асосий вазифа-ларидан бири ҳам мазкур йўналиш-даги ишларни амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этишдан иборатдир. Бухоро вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ўтқа-зилган ўқув семинарида ҳам айнан шу жиҳат кўзга яққол ташланди.

Семинар иштирокчилари "Касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари раҳбарлари учун фаолиятни тўғри ва самарали ташкил этиш бўйича қўллан-ма" билан яқиндан таништирилди. Ўқув давомида, шунингдек, "Касаба уюшмалари ташкилотларининг меҳнат-ни муҳофаза қилиш, юридик хиз-матлари ҳамда маданий-матрифий ва спорт ишлари бўлими тўғрисида"ги Низом, "Қорақалпоғистон Республи-каси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари бошланғич ташки-лотлари бирлашмаларидаги меҳнатни муҳофаза қилиш, юридик, маданий-матрифий ва спорт ишлари бўлимида-

рининг ишини ташкил этиш бўйича тартиб" хусусида ҳам атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўқув-семинар давомида кун тар-тибидagi яна бир муҳим масала — "Касаба уюшмаси ташкилотларида касаба уюшмасига аъзолик бадаллари-ни тақсимлаш, касаба уюшмаси бюд-жети маблағларидан мақсадли ва са-марали фойдаланиш тартиби тўғри-сида"ги Низомнинг мазмун-моҳияти ва унда илгари сурилган вазифаларга ҳам эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ни-зомнинг янги таҳририда бир қатор ўзгаришлар ўз ифодасини топганки, бу шубҳасиз, ишловчиларни ижтимо-ий-иқтисодий муҳофазалаш, ҳусусан, уларни соғломлаштириш ишларини давр талаблари даражасида олиб бо-ришда муҳим ўрин тутди. Жумладан, янги низомга мувофиқ, эндиликда аъзолик бадали ялпи тушумининг 3 фоизи (бошланғич ташкилотлар ҳисо-бада қолдирилмайдиган ялпи тушум-нинг 53 фоизи ҳисобидан) ёки ун-дан ортиқ миқдорда қолдирилган маб-лағлар бошланғич ташкилотлар томо-нидан мақсадли равишда касаба уюш-ма аъзоларини соғломлаштириш учун санаторий ва дам олиш уйларида им-

тиёзли йўлланмалар харид қилиш, шунингдек, бошланғич ташкилотлар ҳисобидagi ижтимоий объектларни жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда уларни сақлаб туриш мақсадларига сарфланади.

Ўқув-семинарида сўзга чиққан ви-лоят касаба уюшма ташкилотлари бир-лашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Иброҳим Бердиев, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ёнгиндан сақлаш бўйича етакчи муҳандиси Ра-мазон Расулов кун тартибидagi маса-лалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазала-рини баён этиб, алоқа корхоналари-да фаолият кўрсатаётган 7та бошлан-ғич ҳамда 25та цех касаба уюшма таш-килотлари раислари зиммасида бутун ҳар қачонгидан ҳам катта масъулият борлигини, ана шу масъулият етак-чилар томонидан тўғри англаб етил-ган ҳолда иш олиб борилиши зарур-лигини таъкидладилар.

Семинар иштирокчиларини қизиқ-тирган саволларга ташкилотчилар то-монидан батафсил жавоблар берилди.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг

Бухоро вилоятидаги мухбири

СИФАТНИНГ ИЧКИ АУДИТИ

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиалида филиал ҳамда туман, шаҳар почта алоқаси тармоқлари ишчи-ходимлари иштирокида ўтказилган ўқув курси худди ана шу ном билан аталди.

Корхоналарда сифат тизими ички аудитларининг ўтказилиши бўйича корхона ходимларини ўқитиш ва истеъмолчи томонидан сифат тизими аудитини ўтказишга тайёргарлик қилиш мақса-дида ташкил қилинган мазкур ўқув курсида филиалга тегишли тармоқларнинг 23 нафар ходими иштирок этди.

Ўқув курсини шартнома ва стандартлаштириш бўйича мута-хассис Акмал Мавлонбердиев бошқарди. Машғулотларда сифат ҳақидаги тушунча, 9000 серия-даги ISO XS тарихи, ISO 9000 сериясининг тузилиши, ISO 9000 стандартлари ва талаблари, сифат тизими ҳужжатлари, аудит мақсадлари ва турлари, сифат тизими сертификатцияси тўғрисида тушунча, аудитни ре-жалаштириш ва тайёрлаш, бажариш, аудит босқичлари бўйича ҳисоботларни тузиш каби муҳим маълумотлар берилди.

— Ўқув курси ниҳоятда аниқ маълумотлар ва йўналишлар асо-сида ташкил этилганлиги билан барчага манзур бўлди, — дейди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали директорининг почта хавфсизлиги хизматлари бўйича ўринбосари Завқиддин Ғуломов. — Шунингдек, ички аудит бўйича алоҳида курсда 11 нафар ишчи-хотим ўқитилган-лиги ҳам ушбу борада чуқурроқ билимга эга бўлиш имконини берди.

Буни курс тингловчилари-нинг фикридан ҳам билса бўла-ди:

— Бугунги тезкор ва глобал-лашув жараёнида замонавий бил-лимлар ва янги технологиялардан хабардор бўлишимиз зарур, — дейди филиалнинг компютер технологиялари бўлими бош-лиғи Шухрат Исмолов. — Саба-би, замондан орқада қолган хо-дим бизнинг соҳада бирор ютуққа эриша олмайдиган ва исте-ъмолчиларнинг талабига жавоб бера олмайд қўйилади. Ташкил этилган мазкур курс айнан биз — соҳа ходимларининг билим-ларимизни оширишга яқиндан ёрдам берди.

— Мен ҳам курсни ташкил этган ташкилотчилардан жуда миннатдорман, — дея суҳбат-га қўшилди Янгиробот почта алоқаси тармоғи почта хизма-ти йўриқчиси Марҳабо Фай-зуллаева. — Ҳақиқатан ҳам ҳали билишимиз керак бўлган жуда кўп нарсалар бор экан. Машғу-лотларда билимимни оширган-имдан хурсандман ва бу иш фаолиятимда ўзимга ишонч билан ишлашимга кўл кели-шига ишонаман.

Маруся ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий
вилоятидаги мухбири



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Ватан — бизнинг борлигимиз, бойлигимиз, киндик қонимиз томган масканимиздир. Ота-боболаримиздан мерос шу азиз Ватанни қўриқлаш — олий шараф. Шунинг учун ҳам оилада ўғил фарзанд туғилса, нафақат ўша оила аъзолари, балки қариндош-уруғ, маҳалла-қўй — барча-барча хурсанд бўлади. Негаки, у Ватан ҳимоячиси бўлиб вояга етади.

Республикамиз Президентининг истиқлолнинг дастлабки қунлариданоқ Ватан ҳимоясига жиддий эътибор бериши ҳам беҳизга эмас. Негаки, юртни ҳимоя қилувчи Қуролли Кучлар мустақкам бўлмас экан, хотиржамлик бўлиши қийин.

Республикамиз ҳукуматининг жиддий эътибори туфайли ўтган йиллар ичида армиямиз қудратли кучга айланди. Бутун йилларимиз армия сафларида хизмат қилишни муқаддас бурч деб билмоқдалар. Келгуси йилнинг 14 январидан нафақат Қуролли Кучлар сафларида хизмат қилаётганлар, балки барча ўзбекистонликлар Қуролли Кучлар ташкил топганининг 20 йиллигини катта шодиёна билан байрам қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 октябрда қабул қилинган "Ватан ҳимоячилари кунини ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимизнинг мазкур Фармойиши ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 1 ноябрда чиқарилган буйруғига биноан "Xabar" газетаси тахририятида ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирларни газетала ёритиш юзасидан махсус режа тузилди.

Мазкур режа асосида газетамиз ва унинг веб-сайтида "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" рукни ташкил қилинди. Газетамизнинг кейинги сонларидан ушбу рукн орқали Агентлик тизимидаги Махсус авария-тиклаш бошқармаси фаолияти, хизмат давомида ўзини кўрсатган ёш аскарлар ҳамда фахрийлар ҳақида ҳикоялар, байрамга бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар ҳақида ахборотлар эълон қилиб борилади. Zero, Ватан ҳимоячилари фаолиятини аке этириш бурчимиздир.

"Ягона ойна" механизми: Хориж тажрибаси ўрганилмоқда

Давлат божхона қўмитаси ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги "Radisson SAS" меҳмонхонасида "Ягона ойна" тизими: Озарбайжон тажрибаси" мавзусида амалий семинар ташкил этилди. Осиё тараққиёт банкининг "Марказий Осиё минтақавий-иқтисодий ҳамкорлиги ҳудудида чегара-божхона постларини такомиллаштириш лойиҳаси" доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури" доирасида белгиланган вазифаларни бажариш, давлатимиз томонидан тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик субъектларининг халқаро бозорга ўз маҳсулотларини олиб чиқишларида қўмаклашиш, жумладан, экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда ТИФ божхона постларида "Ягона ойна" механизмининг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, "Ягона ойна" тизимининг афзалликлари нима? ТИФ қатнашчилари экспорт-импорт операцияларини амалга оширишларида (ташқи савдо шартномасини тузишдан бошлаб, товарларни жўнатгунга ёки қабул қилгунга қадар) тегишли рухсатномалар олиш учун бир нечта давлат органларига мурожаат қилишлари ва ҳар бир идора учун алоҳида ҳужжатлар тўпламини тайёрлаб, тақдим этишларида тўри келади. Бу эса ўз навбатида ТИФ қатнашчилари томонидан экспорт-импорт операцияларини амалга оширишга кўп вақт сарфланишига ҳамда харажатларнинг ортишига сабаб бўлади. Қолаверса, экспорт қилинаётган товарларнинг нархи ўсишига ва ташқи бозорда Ўзбекистон товарлари рақобатбардошлигининг пасайишига ўз таъсирини ўтказиши табиий.

"Ягона ойна" механизми деганда ТИФ қатнашчиси замона-

"Ягона ойна" механизми деганда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда ягона ахборот тизими орқали барча тегишли давлат органлари ва идораларига рухсатномалар олиш учун виртуал тарзда мурожаат қилиш ва уларни олиш имкониятига эга бўлиш тушунилади.

вий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат органлари томонидан ташкил этилган ягона ахборот тизими орқали барча тегишли давлат органлари ва идораларига рухсатномалар олиш учун виртуал тарзда мурожаат қилиш ва уларни олиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, давлат органлари ўртасида электрон маълумотлар алмашиниши йўлга қўйилиши натижасида ТИФ устидан уларнинг фаолиятига аралашмаган ҳолда назорат олиб бориш имконияти кенгайди.

Эътироф этиш жоизки, ушбу

йўналишда асосий масъулият ва вазифалар божхона органлари зиммасига ҳам юкланган. Уларни амалга оширишда хориж тажрибасини ўзлаштириш эса ўзининг ижобий натижасини бериши шубҳасиз. "Ягона ойна" механизми ҳар бир давлатда ўзига хос равишда жорий этилган бўлиб, улар бир-биридан ўзаро фарқ қилади. Хусусан, бу йўналишда Озарбайжон тажрибасида ўрганишга ва ўзлаштиришга аризилик хусусиятлар талайгина.

Бу ҳақда тадбир иштирокчиларига Озарбайжон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ахборот технологиялари ва статистика бош бошқармаси бошлиғи, техника фанлари доктори Иқбол Бобоев батафсил маъруза қилди.

— Озарбайжонда ҳам божхона тизимини ривожлантиришга қаратилган 2007-2011 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинган бўлиб, "Ягона ойна" лойиҳаси мазкур дастур доирасида жорий қилинмоқда, — деди И.Бобоев ўз маърузасида. — Лойиҳа Озарбайжон Давлат божхона ва солиқ қўмиталари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги ва Транспорт вазирликлари ўзаро қамраб олган бўлиб, тегишли ахборотларни ўзаро алмашиш имконияти йўлга қўйилган.

Маърузачи Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган ишларни юқори баҳолаб, тўпланган тажрибалардан самарали фойдаланиш яхши натижалар беришини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбир давомида семинар иштирокчилари мазкур давлатда "Ягона ойна" механизмининг яратилиши ва ишлаш принциплари билан танишишга ҳамда тажриба алмашишга муваффақ бўдилар. Шунингдек, бу йўналишда босқичма-босқич шаклланаётган Ўзбекистон тажрибаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Хусен ТАНГРИЕВ

Бир оиладек

Юнусобод туманидаги 222/223-ЭАТС ушбу туман аҳолисигагина эмас, балки шу туманга чегарадош Тошкент вилояти қишлоқлари учун ҳам беминнат хизмат кўрсатмоқда. Мазкур жамоанинг олий маълумотли ёш мутахассиси — тизим муҳандиси Масимжон Якуповнинг айтишича, улар 21 мингдан ортиқ абонентларга хизмат қилишар экан.

Тасаввур қилинг, мана шунча нуқтада жойлашган телефон аппарати бир кунда қанчадан-қанча дилларни боғловчи ришта, қанчадан-қанча муҳим хабарларни етказувчи дастур ва қанчадан-қанча узоқни яқин қилувчи мўъжиза сифатида эл-юртимиз қорига ярамоқда.

Якупов бу меҳнат жамоаси қўлга киритаётган ютуқларда пайвандчи Т.Алимуҳжаев, монтажлардан Ж.Қорахўжаев, Ж.Пўлатов сингариларнинг

хизматлари алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Булардан ташқари, улар жамоага қабул қилинган ёш телефончиларга устозлик қилиб келаятганликларини, умуман, станция ходимлари бир оила фарзандларидек эл-юрт қорига яраётганликларини мамнуният билан тилга олди. ЭАТС жойлашган бино атрофидаги маҳаллалар оқсоқоллари ҳам телефончилар хизматидан мамнун эканликларини билдиришди.

ЭАТС ҳудудининг кўнглидагидек кўкаламзорлаштирилганлигидан бу ерда меҳнат қилувчилар фақат техника аппаратлари билан ишловчи одамлар эмас, балки кўнглилари гўзалликка ошuftа инсонлар эканлигини билиш қийин эмас. Бино сояли ва мевали дарахтлар билан қуршалганки, бундан таъриф буюрувчи мижозларнинг баҳри дили очилади. Бу ерда ЭАТСдан фойдаланувчи мижозлар мушкулени осон қилиш мақсадида тўловлар учун банк тармоғи ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ўз мухбиримиз

"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АК:

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Интернет-обунанинг ўзига хос қулайликлари

Турли ном ва мавзуларда чоп этилаётган матбуот нашрлари ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган. Зеро, жонажон юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, одамларнинг ўй-фикрлари, ёш авлоднинг орзу-умидлари ҳақидаги мақолаларни, шунингдек, дунё миқёсидаги янгиликларни биз даврий нашрлар саҳифаларида ўқиймиз, фикр билдирамиз ёки ўзимиз ҳам унда иштирок этамиз. Шунинг учун ҳам янги мавсум бошланиши билан ўзимиз севган газета ва журналларга обуна бўлишга шошиламиз. Бу борада бизга шу муҳим иш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар қаторида "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ҳам яқин кўмакчига айланган.

Компанияда матбуот нашрлари-га обуна бўйича қандай ишлар олиб бориляпти, давр тақозоси билан йўлга қўйилган янгилик — интернет-обунанинг ўзига хос қулайликлари нималардан иборат? Компания бош директорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр КУБЕЕВ мухбиримизга ана шулар ҳақида сўзлаб берди:

— Республика аҳолиси, шу жумладан, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва халқимиз ўртасидаги маънавий-маърифий фаолиятни юксак даражага кўтариш, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришда вақтли нашрларнинг аҳамияти фойда кўрилади.

2012 йил обуна кампаниясини ташкил этиш бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, "Матбуот тарқатувчи" АК томонидан келгуси йил учун обунани уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва обуна мавсуми жорий йилнинг сентябр ойидан бошланди.

2012 йил учун компания томонидан ишлаб чиқилган обуна каталогига 200дан ортиқ газета ва 200га яқин журналлар ҳамда обуна орқали тарқатиладиган китобларнинг рўйхатлари киритилди.

Бугунги кунда "Матбуот тарқатувчи" АК ва унинг тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри обуна бўлимлари, шунингдек, "Матбуот" дўконларида обуна расмийлаштирилмоқда.

Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида компания республикамиздаги барча вазирликлар, йирик идора ва ташкилотлар, ҳокимликлар ҳамда корхоналар билан ҳамкорликда иш олиб бораёпти.

Жорий йилнинг сентябр ойида Миллий матбуот марказида компания томонидан оммавий ахборот воситалари, таҳририятлар ва телерадиокомпания вакиллари иштирокида "Босма ОАВни аҳолига арзон ва тез етказиб бериш борасида белгиланган чора-тадбирлар, муаммо ва ечимлар"га бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Ушбу анжуман телерадиокомпания эфирларида ва оммавий ахборот воситаларида ёритилди.

2012 йил учун обуна ишларини самарали ўтказиш учун реклама ишларига кенг ўрин берилмоқда. Аҳоли

этиборини жалб қилиш мақсадида обуна каталогига газета ва журналлар таҳририятларининг ахборот-реклама варағи жойлаштирилди.

Компания томонидан обуна орқали тарқатиладиган маълумотлар компаниянинг www.akmt.uz веб-сайтига жойлаштирилди ва улар бўйича мунтазам маълумотлар бериб келинмоқда.

2011 йил 1 ноябр ҳолатига йилгиланган тезкор маълумотлар шунинг кўрсатмоқдаки, вақтли нашрларга обуна ишлари Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида бошқаларга нисбатан яхши йўлга қўйилган. Умуман олганда, газета ва журналларга обуна уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Бугунги кунда вақтли матбуот нашрларига обуна расмийлаштиришни компания ва унинг тизимидаги барча вилоят корхоналарида мавжуд обуна уюштириш бўлими ҳамда обу-

Кимки ўзи хоҳлаган матбуот нашрига обуна бўлишни истаса, akmt.uz сайти орқали интернет обуна дастурига ки-ради. Ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтганидан сўнг обуна каталогини очилади. Мазкур каталогда барча нашрлар ҳақида тўлиқ маълумот мавжуд.

на қабул қилишга тайёрланган "Матбуот" дўконлари орқали амалга ошириш мумкин. Обуна расмийлаштиришдан бош тортиш, обуна қилинган нашрларни ўз вақтида етказиб берилмаган ҳолатлар юзга келган тақдирда обуначилар обуна уюштирган ташкилотга уларнинг мурожаат телефонлари орқали мурожаат қилиш имкониятига эгалар.

Янги обуна мавсумида обуначиларга ҳар томонлама қулайликлар яратилган. Компания ва унинг таркибидagi корхона ва жамиятларда обуна учун тўлов нақд пул ва пул ўтказиш усулларидан ташқари, пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилмоқда.



Обуна мавсумида муштарийлар учун янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида янги кўринишдаги (www.akmt.uz) веб-сайтининг ИНТЕРНЕТ-ОБУНА бўлимида компания ўзининг янги хизмат тури бўйича дастурни жойлаштирди. Бу вақтли матбуот нашрларига обунани интернет орқали уюштириш дастуридир.

Ушбу янги хизмат тури замонавий компьютер технологиялари имкониятларига суянган ҳолда амалга оширилади. Интернет-обуна дастури орқали барча миқозларга компаниянинг веб-сайтидаги обуна каталогини билан танишишга, қизиқарли газета, журналлар ва китобларга қулай манзилдан обуна уюштириш имконияти яратилди.

Интернет-обуна дастурида муштарийлар учун тушунарли тарзда интернет орқали обуна уюштириш бўйича йўриқнома жойлаштирилган. Ушбу йўриқномада обуна уюштиришдаги босқичма-босқич технология жараён кўрсатилган.

Кимки ўзи хоҳлаган матбуот нашрига обуна бўлишни истаса, akmt.uz сайти орқали интернет обуна дастурига ки-ради. Ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтганидан сўнг обуна каталогини очилади. Мазкур каталогда барча нашрлар ҳақида тўлиқ маълумот мавжуд. Масалан, ўша нашрнинг бир йиллик, уч ва бир ойлик обуна нархи, бир дона нашр қанча туриши ва ҳоказолар. Уларни билиб олгач, ўрнатилган тартибда обуна уюштириш мумкин. Яъни, нашрга обуна бўлганлиги ҳақида шартнома тўлдирилади, пули тўлангач, ўша шартноманинг нусхаси бизга етиб келади ва нашрни етказиб бера бошлаймиз. Обуна пулини тўлашнинг эса уч усули бор. Уларнинг биринчиси компания ёки уюшмаларга келиб, керакли суммани нақд пул ёки пластик карточка орқали тўлаш мумкин. Иккинчиси, исталган банкка кириб, пул ўтказиш йўли билан, учинчиси эса, агар миқознинг интернет-банки бўлса, ўша банкдан уйида ўтирган ҳолда ҳам истаган нашрга обуна бўлиши мумкин. Айни пайтда вақтини тежашга ўрганганлар интернет-обуна орқали ўз мақсадларига эришмоқдалар.

Муштарий яшайдиган манзилда почта қутичаси бўлмаса ёки обуна бўлган нашрни сақлаш имкони бўлмаса, обуначи манзилни яқин атрофда жойлашган "Матбуот" дўконига йўналтириши ва у жойдан нашрларини олиши мумкин. Бунинг учун у манзилни кўрсатган вақтда ушбу дўкон манзилини ҳам кўрсатиши лозим.

Обуначи тўловни ОАТ "Алоқабанк" омонат кассалари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ таркибидagi почта алоқаси бўлимлари ва компания газ-наси орқали амалга ошириши мумкин. Айни пайтда жисмоний шахслар нақд, пул ўтказиш йўли ва пластик карточка орқали тўловни амалга оширишмоқда. Юридик шахслар ўзига хизмат кўрсатаётган банки орқали ҳисоб-китоб ишларини бажаришяпти.

ОАТ "Алоқабанк" ва бошқа банкларда электрон пули мавжуд муштарийлар банк томонидан белгиланган тартибда обуна пулларини "Алоқабанк" орқали компанияга тўлашлари мумкин. Ушбу хизматни амалга ошириш мақсадида компания WEBSUM тизимини амалга ошираётган ташкилот билан шартнома имзолаган.

Интернет-банк тизими ривожланиши билан ушбу хизмат турига эътибор ошиши кутилмоқда.

Компания ва унинг таркибидagi вилоят корхоналарида хорижий нашрларга обуна "Хорижий нашрлар" каталогини ҳамда www.akmt.uz веб-сайтида жойлаштирилган интернет-обуна дастури орқали амалга оширилади.

Компания вақтли матбуот нашрларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда тадбиркорларнинг имкониятларидан унумли фойдаланмоқда. Бу компанияга матбуот тармоғини сақлаб қолган ҳолда ривожланишга, қўшимча иш жойларини очишга имкон яратмоқда.

Мақсадимиз — бор куч ва имкониятларимизни ишга солган ҳолда обуна мавсумини самарали яқунлаш ва шу орқали аҳоли маънавияти юксалишига ҳисса қўшишдан иборатдир.

Муборак МИРКАМолова ёзиб олди

СОВЕРШЕНСТВУЯ НОРМЫ ЗАКОНА в области телекоммуникаций

Комитет Законодательной палаты Олий Мажлиса по вопросам информации и коммуникационных технологий провел заседание "круглого стола" на тему "Актуальные вопросы совершенствования правовых основ сферы телекоммуникации".

В нем приняли участие депутаты Законодательной палаты, представители Кабинета Министров, Узбекского агентства связи и информатизации, специалисты сферы телекоммуникации, правоведы, эксперты, а также работники СМИ.

Было отмечено, что в Республике Узбекистан с первых лет независимости уделяется большое внимание развитию сетей телекоммуникаций. Была создана прочная законодательная база, проведена реконструкция и модернизация телекоммуникационных сетей, что позволило создать базу для развития сетей сотовой связи, передачи данных и доступа к всемирной сети интернет. Значительно улучшилось качество и расширился спектр предоставляемых услуг телекоммуникации, а также внедрены новые мо-

дели обслуживания потребителей, в том числе для нужд государственного управления и обеспечения правопорядка. Это повлекло за собой появление новых видов взаимоотношений между субъектами при оказании услуг телекоммуникаций.

Вместе с тем возникают новые вопросы при формировании социально-экономических взаимоотношений в сфере, что требует пересмотра и дополнения норм действующего Закона "О телекоммуникациях" для обеспечения полной защиты интересов пользователей и хозяйствующих субъектов в области телекоммуникаций, а также обеспечения информационной безопасности, соблюдения тайны передаваемых информации. Исходя из приоритетов, обозначенных Президентом страны и тенденций в сфере телекоммуникации, Кабинетом Министров был внесен проект закона "О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан "О телекоммуникациях", который был одобрен в первом чтении Законодательной палатой.

Участники заседания были проинформированы о проделанной работе по совершенствованию данного проекта закона. Было отмечено, что рабочая группа при Комитете учла все конструктивные предложения, поступившие от фракций политических партий и отдельных депутатов, кото-

рые в дальнейшем нашли свое отражение в проекте закона.

В ходе заседания "круглого стола" был представлен проект закона "О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан "О телекоммуникациях", подготовленный ко второму чтению. В нем предлагается внести ряд дополнений, уточняющих полномочия специально уполномоченного органа в сфере телекоммуникаций, на который возлагается разработка и утверждение технических регламентов, нормативных документов по стандартизации, норм и правил в пределах своей компетенции.

Изменения затрагивают нормы, касающиеся системы и плана нумерации сетей телекоммуникаций, обеспечения регулирования, учета, систематизации и контроля использования доменных имен национального сегмента сети интернет, сертификации, развития и реконструкции сетей телекоммуникаций.

Участники заседания в целом одобрили проект закона "О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан "О телекоммуникациях" и рекомендовали Комитету внести его на рассмотрение депутатов Законодательной палаты Олий Мажлиса во втором чтении.

parliament.gov.uz

ПЕРСПЕКТИВНОЕ РАЗВИТИЕ сотовой связи в Республике Узбекистан

Наступивший XXI век назван информационным. Действительно, бурное развитие получили новые технологии средств передачи информации за прошедшие 20 лет независимости Республики Узбекистан.

Мобильные телекоммуникации также не стали исключением. В республике стали развиваться новые виды беспроводных информационных технологий такие как: сотовая связь, цифровое телевидение, а также система беспроводного доступа Wi-Max.

С обретением независимости для установления политических и экономических связей Узбекистана со всем миром потребовалось построить расширенную сеть связи на территории республики, с выходом на международную сеть. Этому способствовало развитие как фиксированных, так и мобильных средств связи.

В августе 1991 года по инициативе Министерства связи и благодаря поддержке правительства Республики Узбекистан было создано первое предприятие по предоставлению услуг сотовой связи "Уздунробита". Это первое предприятие сотовой связи не только в Узбекистане, но и в Центральной Азии.

Первый звонок с использованием сотовой связи в нашей стране сделал Президент Узбекистана Ислам Абдуганиевич Каримов в августе 1992 года, когда была торжественно открыта коммерческая эксплуатация сети сотовой связи.

Первым стандартом сетей сотовой связи с которого начался развитие со-

товой сети, является стандарт AMPS/D-AMPS. Однако с развитием информационных технологий, быстрого роста количества абонентов и потребность на современных услуг от сетей мобильной связи не дал долго ждать. 2002 году начало осуществляться постепенное переоборудование сети на стандарт GSM.

В настоящее время осуществляется постепенный переход на стандарты третьего и четвертого поколения сотовой связи по всей территории Республики Узбекистан.

Сотовая связь относится к наиболее динамичному сектору рынка телекоммуникаций в мире и по темпам развития занимает второе место после интернета. За короткое время она подошла к внедрению технологий 3-го поколения. Фактически рост абонентской базы за последние 20 лет не смогли предвидеть самые известные консалтинговые фирмы. Это, естественно, востребованный в настоящее время телекоммуникационный продукт.

Благодаря своему удобству и возможности предоставлять абонентам широкий спектр услуг сотовая связь завоевала широкий сегмент рынка связи в Узбекистане, к тому же сотовые системы подвижной связи явились новым шагом в повышении спектральной эффективности и емкости подвижных сетей в условиях растущего дефицита частотного ресурса.

Лавинообразный рост пользователей

сотовой связи постоянно наталкивает операторов на новые задачи. Одной из главных задач операторов сотовой связи Республики Узбекистан является обеспечение полного территориального покрытия.

Возможности сотовой связи не исчерпываются просто телефонией. Направлениями рынка сотовой связи, которым в последнее время уделяется особое внимание, стало предоставление абонентам дополнительных услуг, реализация новых технологических идей, расширение функциональных возможностей и нестандартное использование сетей сотовой связи.

Вполне естественно, что сети третьего и четвертого поколения не стали финальным этапом развития сотовой связи — как говорить, прогресс неумолим. Ныне проходящая интеграция различных видов связи (сотовой, спутниковой, телевизионной и т. д.), появление гибридных устройств, включающих в себя сотовый телефон, КПК, видеокамеру и высокоскоростной интернет, безусловно, приведет к появлению сетей 5G. И о том, чем закончится это эволюционное развитие, сегодня вряд ли смогут предсказать даже писатели-фантасты.

Аминбек НАДЖИМОВ,
инженер 1-категории

СЭМС Кашкадарьинской области

Сегодня на территории нашей республики действуют пять операторов сотовой связи:

- "Uz Mobile" в стандарте CDMA;
- "Уздунробита" (MTC) в стандарте GSM, WCDMA и LTE;
- "Unitel" (Beeline) в стандарте GSM и WCDMA;
- "Coscom" (Ucell) в стандарте GSM и WCDMA;
- "RWC" (Perfectum mobile) в стандарте CDMA;

"БИЛАЙН" начинает продажи телефонов Samsung Galaxy

"Билайн" представляет новый модельный ряд сотовых телефонов от "Samsung", объединяющий аппараты от классических моделей до телефонов премиум-класса. Теперь Samsung Galaxy Mini, Samsung Galaxy Gio и Samsung Galaxy S II доступны и абонентам массового рынка.

При покупке любого телефона "Samsung" клиентам предоставляются бонусы от "Билайн": "золотой" номер, карта привилегий от "Beeline Club" и ежемесячные интернет-пакеты сроком на полгода:

- Samsung Galaxy Mini — 500 000 сум
"Бир замонлар"ни ўтмишда қолдириб, қутилган, лекин бунчалик бўлиши ҳаёлга келмаган даврда яшаётимиз. Малайзияда ўқитган дўстим билан юзма-юз туриб суҳбатлашгандек бўламан. Узоқ масофаларни четлаб ўтиб, интернет ва телефон орқали йўқлашамиз — қувончли ҳам, гами ҳам бирдек баҳам кўрамыз.

Алоқа воситасининг бу турлари ҳаёт ташвишларига ўралашиб қолганига эса анча бўлган. Ўзининг бир оз ҳаяллаб қолганидан хавотирга тушган она гўшаққа қўл чўзди. Ошиқ йигит кўнгил қўйганига изҳори дил этмоқлик учун муносиб сўз тополмас, ўшал ёрга электрон нома йўллашни маъқул кўради. Икки кунга деб қарз олган-у, икки ойдан бери кўриниш бермаётган "яқинингиз"ни ахтариб уйдан тополмасангиз, яна телефон жонингизга оро кирди ва ҳоказо ва ҳоказо. Аммо бу "ҳоказолар"нинг ҳаммаси ҳам сиз-у бизнинг фойдамизга хизмат қилавермайди. Уяли телефон ихтиро қилингунга қадар олимлар озмунча тер тўкканми ахир?

1973 йил. Апрель ойининг учинчи санаси. Ҳаво булут бўлишига қарамай, Нью-Йоркнинг Манхеттен қисмидаги кўчалардан бирида яхши кийинган, кўлида кичикроқ жомадон тутиб олган урта ёшлардаги бир киши айланиб юрди. У бинолардан бирининг олдида келиб тўхтади ва жомадонидан кўриниши ёштни эслатадиган алланимани чиқарди. Сўнг унга бармоғини бир неча бор теккиздиди-да, қўлига тутди:

— Алло! Салом, Жозел. Офисининг олд кўриниши жуда чиройли экан. Шунинг сенга айтиб қўймоқчи эдим.

— Қасрдасан?

— Менми, ойнанг олдида турибман.

Аввал трубкадан бир кишининг алам билан сўкингани, кейин қисқақисқа гудоклар эшитилди...

Уяли телефондаги биринчи кўнғироқ ана шундай тарзда яқун топанди. Ўша жомадонли киши "Motorola" корпорациясининг мобил алоқалар бўлими раҳбари Мартин Купер эди. Иккинчиси "AT & T Bell Labs" компаниясининг тадқиқотлар бўлими бошлиғи Жозел Энгел бўлган.

Бу воқеа тарихга муҳрланаётган вақт Мартин Купернинг ҳаёлидан неслар кечган, буниси қоронғу. Лекин шу нарса аниқки, у дўсти Жозелдан кашфиёти учун бегараз табрик кутган. Аксига олиб трубкадан сўкиш товушлари эшитилган. Мана, орадан 40 йилча вақт ўтибдики, "ғиштин" телефонлар сайқал топди, такомиллаша борди. Замондан орқада қолишни эп кўрмаслик, балки ундан олдинроқда юришга одатланганлик вақиданим, "сўконгиз" абонентлар сафи ҳам кенгайгандан кенгайди. Бугунга келиб, маданият, дид-фаросат, ахлоқ борасида гап кетту-

дек бўлса, эндиликда кийиниш, саломлашиш, меҳмон кутиш кабилар қаторига телефонда суҳбатлашиш одобини ҳам киритиб қўйиш керакдек, назаримда.

Биз томонда кўпни кўрган кексалар эрта билан туришни, саҳар чоғи деразани очиб қўйишни тўхтовсиз ўқтиришади. Уларнинг айтишича, бу пайт хонага фаришталар кираркан. Чиндан ҳам шундай бўлса, телефонни қўлогидан бери қўймаётган, тонгта борибгина кўрпа-ёстиғини қидириб қолаётган баъзиларнинг деразасига ачиниб кетасан киши. Чунки бу деразалар олдида фариш-

Бугунга келиб, маданият, дид-фаросат, ахлоқ борасида гап кетгудек бўлса, эндиликда кийиниш, саломлашиш, меҳмон кутиш кабилар қаторига телефонда суҳбатлашиш одобини ҳам киритиб қўйиш керакдек...

Мобил телефон. Сўзлашиш одоби



Охирига гап ҳар кимнинг ҳам ўзида қолган: хоҳласин тингласин, эшитсин, кўрсин, хоҳласин йўқ. "Хизмат доирасидан ташқари"га чиқсак-да, асосийси, одамийлик доирасидан ташқарига чиқмасак бўлгани.

талар қанот қоқмайди-да. Агар дераза ичкарасида қизлар яшаётган бўлса, янада аянчли!

Синглим нияям бўлиб, дугонасининг қизлар базмига боролмади. Хотин-халаж базмдан деярли битта гап "қўлтиқлаб" қайтишди: "Вой ўлай, куёв олдин уйланган экан. Олдинги хотинидан бир ўғил, бир қизи ҳам бор экан. Энди бечора қиз нима қилади?" Дугоналари синглимга воқеани бошқачар-о-қ изоҳлаб берибди: "Ўзидан ўтди. У йигит билан телефонда танишган. Ундан аввал уни сираям кўрмаган. Туни билан ёндим-куйдимлашиб чиқарди. Шивир-шивир, вижир-вижир, пичир-пичир..." Қўлоғимга ортиқча гап кирмади. Ҳаляям бўлса воқеани ақлимга сингдиролмай гаранг эдим. Уяли алоқа шунчалик "қудрат"га эгамми? — деган савол уйнади миямда. Унинг олдида ёруғлик тезлиги тош-

бақа юриш қилаётганга ўхшаб туюлди менга.

Дарвоқе, вилоят телеканаларида беихтиёр бир ҳолатни кўриб ҳайратим ошди. Телевизорда ёшгина йигитча ёр ҳажрида нола чекиб, минг азобда қўшиқ айтади. Бу пайт экраннинг ост қисмидан ҳайратомуз SMSлар бирин-кетин чиқиб келавари. Уларнинг деярли барчаси тахминан мана бундай мазмунда: "Ақлли, эсли-хушли қизлар билан танишаман!" Бу ҳам майлику-я, "фалон жойдан, фалон ёшда бўлсин" дея қўйилган "талаблар"га тобингиз қалай? Ҳатто беандиша йигитлар "фалон қишлоқдаги фалончи бобонинг писмадончи қизини яхши кўраман" деган SMSларни юборишади. Энди "фалончи бобо"нинг қишлоқда бош кўтариб юришини тасаввур қилиб кўринг. Ўшандаям телефонни қўлимга шарт олиб, тегишли манзилга SMS юборгандим, дам ўтмай экранда пайдо бўлди: "Ақлли, эсли-хушли, ўзини билган қайси қиз рақамга кўнғироқ қилиб, сиз билан танишмоқчиман дейди?"

Умуман олганда, уяли алоқанинг фойда-зарари тўғрисида кўп нарсани биламиз — кўрганмиз, гувоҳ бўлганмиз. Биттагина "лекин" унга амал қилмаймиз, холос. Мана масалан, уларнинг миёга салбий таъсири, бунинг оқибатида юзага келадиган касалликлар ҳақида тасаввурга эгамиз. Аммо "ўша касаллик келиб-келиб мени танлармиди" қаби-

лида иш тутамиз. Танлаганида эса "поезд кетиб бўлган", вагонлардан бирига тирмашиб соғлиқ ҳам биздан узоқлашган бўлади. Телефон вақтни ўғирлайди дея соатлаб баҳслашиб қоламиз гоҳида. Қаранг, шунинг ҳам фахмалаймиз. Лекин ўзимизни "ҳаётнинг қайноқ жабҳасида" тургандек ҳис қилиб, алоқада давом этамиз. Уйқу истагидаги организмнинг бор-йўқ энергиясини туни билан сарфлаб, ортиқча қийнаб қўйишимизга ақлимиз етади. Яна ҳам ўз билганимиздан қолмаймиз. Энг ёмони, орамизда мобил телефон хотирасини ахлоққа ёт тасвирлар, беҳаё суратлар, беандиша клиплар ва алламбалолар билан "бойитиш"ни қанда қилмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Даҳшатлиси, бундай кадрларни йиғиб-териб юрадиганларнинг аксар қисмини болалар ташкил қилмоқда.

Бу ҳам етмагандек, баъзида кўнғироқ қила туриб, "Ким бу?" сўроғини берадиган айрим кишиларни сира тушунмайман. Бу ҳолат уй рақамингизни териб, "Ҳозир қаердасиз?" деган билан баробар. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам бизга нисбатан безътиборлик, лоқайд бир кайфиятни ифодалайди. Бундан ташқари, суҳбатдош билан мулоқотда алоҳида муомала талаб қилинади. Гўшақни ёш бола кўтарса, унга болаларча гапирилади, ёши каттароқ бўлса, оҳангимиз жиддий тус олади. Бунда муомала одоби алоҳида инобатга олинади. Шунга қараб алоқани илиқ ва давомли қилишимиз мумкин ёки аксинча...

Мақолага нуқта қўйишдан олдин яна бир бор тарихга юзлансак.

1950 йилнинг 3 декабрида Швециядаги "Телеверкет" компаниясининг ҳодими С.Лаурен Лидинг шахридаги Васаганат кўчасида ўзининг "Volvo" хизмат машинасидан туриб, автомобил ичига ўрнатилган телефондан ҳаяжон билан қайнонасининг уй рақамини тиради. Кекса аёл куёвини ақлдан озиди, деган ҳаёлга боради ва ўйлаганларини тилига чиқаради: "Стюр, машинанинг ичида ўтириб қандай қилиб телефонда гаплашиш мумкин?! Йўқ, сен тадқиқотларингга жуда қаттиқ берилиб кетибсан. Албатта руҳшунос-докторимизга бориб учраш..."

Қайнонанинг гапидан келиб чиқиб айтидиган бўлсак, бугунги "телефон шайдолари" том маънода руҳшуносга муҳтож. Эндиликда эса қўл телефони бўлмаган кишиларни Стюрга ўхшатамиз. Ҳатто писанд қилмаслик даражасигача борамиз.

Тан олиш керакки, уяли алоқасиз бирор ишни кўнгилдагидек битказиш бугун иложсиз. Унинг мақсади ўз маъноси билан алоқани таъминлашдир. Мусиқа, расм, видео сингари қўшимча имкониятлар алоҳида масала, алоҳида муаммо. "Мусиқа тинглама!", "Номаъқул нарсаларни кўрма!" деган насихатомуз буйруқлар билан иш битмайди. Охирига гап ҳар кимнинг ҳам ўзида қолган: хоҳласин тингласин, эшитсин, кўрсин, хоҳласин йўқ. "Хизмат доирасидан ташқари"га чиқсак-да, асосийси, одамийлик доирасидан ташқарига чиқмасак бўлгани.

Ақмал ЖУМАМУРОДОВ

МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН!

✦ Ушбу мулоҳазаларга Сиз нима дейсиз?
Таклиф ва фикрларингизни ёзиб юборинг.



Электрон тўлов: ҲАМ ТЕЛЕФОНДА, ИНТЕРНЕТДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

SMS-To'lov тизими

"SMS-To'lov" тизими Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тўловлар тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш ҳамда электрон тижоратни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йилнинг 24 декабрида Республика Савдо-саноат палатаси "SSP-MAROQAND" унитар корхонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Тизимни яратиш жараёнига Германия ва Япония экспертлари ҳам жалб қилинган. "SMS-To'lov"нинг устуворлиги унинг ёрдамида исталган турдаги мобил алоқа, интернет, шунингдек, SMS воситасида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш мумкинлигидадир.

Қандай уланади?

Тизим ёрдамида банк пластик карточкасидаги маблағлардан юқори унум билан фойдаланиш имконияти бор. "SMS-To'lov" тизими орқали турли товар ва хизматлар учун онлайн тўловларни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун фуқаро ўзига хизмат кўрсатувчи тижорат банкка паспорт ва мобил телефони билан ташриф буюриши ҳамда "SMS-To'lov" тизимида рўйхатдан ўтиши лозим бўлади. Банк ходими бир неча дақиқа ичида мижоз ва унинг мобил телефон рақамини тизимда рўйхатдан ўтказиб, мобил телефонига махсус электрон рақамли имзо калиги билан ҳимояланган дастур-илова ўрнатади ҳамда қатъий сир тутилиши лозим бўлган махсус логин ва парол тақдим этади. Бу — мижознинг мобил телефони банк пластик карточкасида уланганини билдиради.

Қайси хизматлардан фойдаланиш мумкин?

Мобил телефонимизда сўзлашув, фотокамера, соат, калкулятор, плер ва шунга ўхшаш хизматлардан фойдаланишга қўниқиб қолганмиз, лекин уни тўлов воситаси сифатида синаб кўрмаганмиз. Банк томонидан ўрнатилган мобил-илова ёрдамида интернетга уланмасдан, бир неча со-



ния ичида бир неча турдаги товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мумкин. Масалан:

- Мобил алоқа
- Коммунал
- Интернет провайдерлар
- Савдо-саноат палатаси хизматлари ҳамда солиқ тўловларини уйданми, ишданми ёки кўчадан туриб мобил телефон орқали амалга ошириш имкони мавжуд. Барча тўловлар қўшимча хизмат ҳақисиз амалга оширилади.

Шунингдек, шаҳар жамоат транспорти, шаҳар телефон тармоғи, сургурта, авиа ва темир йўл чипталарига буюртма бериш ва сотиб олиш, такси хизматлари ва ДАН тўловларини амалга оширишни ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилади.

Бугунги кунда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Микрокредитбанк", "Асака", "ИнФинБанк", "Универсалбанк" ва "Ҳамкорбанк" тижорат банклари "SMS-To'lov" тизимида хизматларни кўрсатиб келмоқда. Яна бир неча банк ушбу тизимда синовдан ўтказилмоқда.

Websum тизими

Юқорида келтириб ўтганимиз — "SMS-To'lov" тизими мобил телефон орқали тўловларни амалга ошириш имконини яратса, Websum тизими интернет орқали савдо ва тўловни бажариш қулайлигини тақдим этади.

2010 йилнинг июнида рўйхатдан ўтган E-SERVICES HAUSE (Электрон хизматлар уйи) компанияси бу-

гунги кунда интернет тармоғи орқали Websum савдо белгиси остида электрон тўловлар хизматини кўрсатиб келмоқда.

Уланиш шартлари ва ҳисобни тўлдириш

Websum интернет тўлов тизимида уланиш учун паспорт нусхасини сканер қилдирган ҳолда рўйхатдан ўтиш лозим, бу — тизимда хавфсизлиқни таъминлаш учун муҳим. Websum тизими нафақат жисмоний шахсларга, балки юридик шахсларга ҳам очиқ. У интернетда бизнесни ташкил қилиш ва юритишга йўл очади.

Фойдаланувчи ўзининг интернетдаги ҳаётини барча инфокиоск ва терминаллар орқали (бундай терминал ва киоскларнинг сони республикада 56 000дан ошади) "UZKART" пластик карточкалари орқали тўғридан-тўғри тўлдириб олиши мумкин. Бунда абонент тўлови ва хизматлар учун фоизлар мавжуд эмас.

Лойиҳа йўналишлари

Бугунги кунда Websum тўлов тизими учта асосий йўналишда ривожлантирилмоқда. Биринчи навбатда, электрон маҳсулотлар савдоси йўналишида ҳамкорлар билан иш олиб бориляпти. Буларга телефония, хостинг, домен номлари, электрон китоблар, рақамли телевидение, пин-кодлар, масофавий ўқитиш ва бошқа кўринишдаги хизматларга тўловлар қиради. Websum лойиҳаси раҳбари Озод Музаффаровнинг таъкидлашича, айнан

мана шу йўналишдаги хизматлар тизим фойдаланувчилари орасида энг оммабоғларидан ҳисобланади.

Иккинчи йўналиш — мамлакатимиз тadbirkorlari билан жисмоний товарлар савдоси бўйича иш олиб бориш. Бунга тизимга интернет дўконлар, раста ва савдо майдонларини улаш қиради. Мазкур йўналишни ривожлантириш мақсадида интернет дўкон лойиҳаси ишга туширилган. Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган ҳар бир электрон тижорат билан шугулланишни мақсад қилган жисмоний ва юридик шахс учун Websum корхонаси интернет дўкон, хостинг, домен ва тўлов тизимини тақдим қилади. Буларнинг барчаси — bepул. Tadbirkorning vazifasi — tovar ёки хизматларини фото ва бошқа маълумотлари ҳамда уларнинг нархини кўрсатган ҳолда тизимга жойлаштириш.

Учинчи муҳим йўналиш — Websum базасида халқаро савдо майдончасини ташкил этиш.

Ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Бугун компютер олдида ўтириб, интернетта уланган ҳолда ёки оддийгина мобил телефон воситасида электрон дўконларни "айланиб", ўзингизга ёққан ёки зарур бўлган маҳсулотларни харид қилишингиз, турли хизматлар учун тўловларни амалга оширишингиз мумкин. Бу — замонавий технологияларнинг бизга тақдим этаётган қулайлиги ва имконияти. Албатта, электрон тижорат бозори ҳали ривожланиш босқичида. Бироқ унинг келажаги порлоқ эканини дунё таърибаси кўрсатиб турибди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Даромадлар салмоғи ортмоқда

Қарши почта алоқаси тармоғи ишчи-ходимлари кўрсатилаётган хизматлар даражасини ошириш ниятида тинимсиз изланишлар олиб бораётир.

Тармоққа қарашли марказий бўлим ва 13та алоқа бўлимида электрон почта жўнатмалари қабули йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилнинг 8 ойи давомида ушбу 14та алоқа бўлими бўйича 652 миллион сўмликдан ортиқ электрон пул жўнатмалари қабул қилинди.

Қарши шаҳридаги барча алоқа бўлимлари бўйича 8 ой давомида 1 миллиард 8 миллион 225 минг 158 сўмлик оддий ва телеграф пул

жўнатмалари қабул қилинган бўлса, ундан 60 миллион 866 минг 659 сўм даромад кўрилди.

Ҳар ойда 17950 нафар пенсионерга 3 миллиард 985 миллиондан ортиқ пенсия тўлови амалга оширилиб, 8 ой давомида 29 миллиард 950 миллион сўмдан ортиқ пул маблағлари тарқатилди. Шу вақт ичида аҳоли ва истеъмолчилардан 968 миллион 147 минг сўм миқдорида коммунал тўловлар қабул қилинди.

Тармоқнинг Г.Мансурова, М.Халилова, Л.Саидова, Қ.Файзиева, М.Ниёзова сингари мутахассслари, Ю.Қиличева, М.Убайдуллаева, М.Қораева, З.Муқимова, Т.Рашидова син-

гари алоқа бўлими бошлиқларининг тинимсиз меҳнати, изланишлари туфайли хизматлардан олинаётган даромадлар салмоғи ортиб бормоқда.

Шаҳар почта алоқаси ходимлари ҳозирги кунда олиб борилаётган обуна мавсумини уюшқоқлик билан яқунлаш, мижозларга почта алоқаси хизматини кўрсатишда замонавий технологиялар асосида хизмат қўламини кенгайтириш ниятидалар.

Нормурод ОРЗИҚУЛОВ,

Қарши почта алоқаси тармоғи бошлиғи

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАТБИФИ

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида NGN технологияси асосида Қарши шаҳар симли алоқа тармоғини модернизациялаш мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда филиалнинг касбий таълим, ахборот ва телекоммуникация йўналиши бўйича тахсил олаётган талабалари иштирок этди.

Семинарни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Жабборов очиб, вилоятдаги алоқа корхона, ташкилот ва муассасаларининг фаолияти, талабаларнинг амалий машғулотларини олиб боришлари учун яратилган шароитлар тўғрисида гапирди. ТАТУ Қарши ҳамда "ЎЗИ-Қарши" филиаллари ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда "ЎЗИ-Қарши" филиалининг техник директори Абдуқаҳҳор Дўстқобулов NGN технологияси асосида Қарши шаҳар симли алоқа тармоғини модернизациялаш мавзусида маъруза қилди.

Талабаларга Қарши шаҳрида қўлланилаётган симли телекоммуникация тармоғи, тармоқни ташкил этишда оптик толали кабелларнинг турлари, шаҳарда ишлатилган икки турдаги рақамли автоматик телефон станцияси, HOST станцияси, унинг сифими, синхрон транспорт модули, Ethernet технологияси тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, телекоммуникация тармоқларида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ҳажмини ошириш борасида магистрал ва тармоқ кабелларининг капитал таъмирланиши, гидрофоб суюқлиги билан тўйинтирилганлиги, телефон нуқталари сони, аҳоли ва ташкилотларга интернет хизмати кўрсатиш мақсадида DSLAM қурилмаларининг монтаж қилинганлиги тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Талаба-ёшлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволлар билан ўртоқлашиб, назарий ва амалий билимларини семинар жараёнида мустақамладилар.

Афтондла ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

КАФОЛАТГА ЯРАША

Жамоамиз аъзолари 42014та мижозга хизмат кўрсатмоқда. Мустақиллик шарофати билан электрон рақамли телефондан фойдаланишга ўтилгач, уларга муҳим қулайликлар яратилди.

Хонадонда ёки ишхонадан туриб исталган манзил билан тўғридан-тўғри боғланилмоқда. Қолаверса, хоҳловчилар учун қўшимча хизмат турларидан бемалол фойдаланишга етарли шароит қилинган. Бундай қулайликлар, шубҳасиз, мижозларимизни мамнун этмоқда.

Албатта, замонавий телефон хизматининг сифатли бўлишини таъминлаш ҳодимларимиз ҳаракатида боғлиқ. Гап шундаки, улар зиммасидаги бурч масъулиятини дилдан ҳис этиб ишлашга одатланган. Шу боис фаолиятимизда муаммо туғилишига асло йўл қўйилмаяпти. Жамоамизда ўз касбининг усталари, аниқроғи, моҳир алоқачилар меҳнат қилишмоқда. Ҳамкасблар орасида соҳа бўйича кўп йиллик тажрибага эга бўлганлар оз эмас. Ёқубжон Чоршанбиев, Исомиддин Бобоев, Файзулла Ўринов, Махсуммахон Бобоевалар шулар жумласидандир.

Ҳамкасблар хоҳ ишда, хоҳ турмушда бўлсин ҳудди аҳил ака-укадек бир-бирларини қўллаб-қувватлашади. Амалдаги жипслик эвазига филиалга қарашли жамоалар орасида ҳар доим пешқадам бўлишга эришяпти.

Бир сўз билан айтганда, шаҳарликларга кўрсатилаётган алоқа хизмати шартномадаги кафолатга яраша йўлга қўйилмоқда. Умид қиламизки, 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилини ҳам меҳнатда юқори кўрсаткичлар билан якунлаймиз.

Зафар НОРАЛИЕВ,
"ЎЗИ-Термиз" филиали 3-шаҳар
телефон станцияси бошлиғи

Марғилон шаҳридаги 8-умумтаълим мактабида жойлашган ахборот-ресурс маркази ўқув залига кирганимизда, бир неча ўқувчилар компьютер саводхонлиги машғулоти билан, қолганлари эса турли китоблар, газета-журналлар мутулааси билан машғуллигининг гувоҳи бўлдик.

Зиёга чорловчи марказ

— Дарсдан бўш пайтларимда синфдошларим билан бу ерга келиб, янги бадиий китоблар ва матбуот нашрларини ўқиб, юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий воқелик билан мунтазам танишиб бораман. Келажақда филолог бўлиш учун она тили ва адабиёт фанларига оид адабиётларни қизиқиб ўрганилман, — дейди 6"б" синф ўқувчиси Муаззамхон Камолова.

Муаззамхон яқинда она тили ва адабиёт фанлари бўйича ўтказилган билимлар (олимпиада) синовининг вилоят босқичида иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллади.

— Келажақда физика ўқитувчиси бўлмоқчиман, — дейди 9 "а" синф ўқувчиси Нурмуҳаммад Нурматов. — Бир неча йилдан буён ахборот-ресурс марказига қатнаб ўзимга ёққан физика фанига доир янги китобларни олиб мутулаа қиламан. Келгусида Фарғона Давлат университети физика факультетига ўқишга киришни ниятим бор. Шу мақсадда инглиз тили, математика, физика, геометрия фанларини мукамал ўзлаштиришга ҳаракат қиламан.

Нурмуҳаммад Нурматов март ойида физика фани бўйича ўтказилган вилоят билимлар синовида қатнашиб, совринли ўринни қўлга киритди.

— Орузим — ҳарбий зобит бўлиш, — дейди ўқувчи А.Абдуазизов. — Бу ерда бадиий ва илмий-оммабоп адабиётлар, вақтли матбуот нашрларининг барчасини топиш мумкин.

Ёшлар билан суҳбатлашиб, тўғрисини айтганда,

ҳавасимиз келди. Чунки Ўзбекистонимизнинг эртанги куни мана шу бахтиёр ва навқирон авлод қўлида. Уларнинг дадил ва самимий сўзлари ёрқин келажагидан далолат бермайдими?!

— 2006 йилда ташкил этилган марказда ҳозирда 36430та ўзбек, рус тилидаги ва латин алифбосидаги адабиётлар бор, — дейди марказ раҳбари Гулнора Мўминова. — Марказимиздаги учта компьютер, нусха кўчириш аппарати, DVD ҳамда телевизор ёшлар хизматида. Шаҳар миқёсида ўтказилган семинарда мутахассислар фаолиятимизга юқори баҳо беришди. Шахсининг ахборот олиш маданиятини шакллантириш мақсадида марказ 40та электрон дарслик билан таъминланган. Марказимиз 40 ўринли ўқув залига эга. "Мактаб, кутубхона, оила" мавзусида яқинда жамоат ташкилотлари иштирокида ўтказилган хайрия тadbирларида юздан ортиқ бадиий адабиётлар марказга ҳадя этилди. Марказ қошида фаолият кўрсатаётган "Компьютер саводхонлиги" тўғрагида (15та компьютер мавжуд) 30 нафар ўқувчи қатнашиб келмоқда. Компьютерлар интернетга уланган.

Яқинда марказда маҳаллий шоира Дилором Камоловнинг "Меҳр бўйи" китоби тақдироти асосида ўтказилган тадбир ўқувчиларнинг китобга бўлган қизиқишларини янада оширди. Тадбирда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, фарғоналик шоира Муҳаббат Иброҳимова китобхонларни ёш шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан таништирди.

Бу ерда фаол китобхонлар билан биргаликда "Президент асарларини ўрганимиз", "Буюк соҳибқирон", "Эртақлар — яхшиликка етаклар", "Буюк ва муқаддасан мустақил Ватан!", "2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" номли китоб кўргазмалари ташкил этилган. Шунингдек, "Мустақиллик муборак, ҳур Ўзбекистон", "Сизга таъзим, азиз устозлар!", "Она тили — миллат руҳи", "Шеърят мулкнинг султони", "Шоҳ ва шоир", "Амир Темур — буюк соҳибқирон", "Президент асарлари билимдонлари" танлови каби тадбирлар мазмуни ўтди.

Мактаб ўқитувчиларидан Мадамин Усмонов, Содиқ Мадаминов, Феруза Мирзакаримова, Кибриё Тўхтасиновалар АРМ инновацион хизмат кўрсатиш усулидан фойдаланиб, дарс машғулотларини ўтказмоқдалар.

Ахборот-ресурс марказида етти кишидан иборат китобхонлар кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кенгашга мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари Феруза Турсунова раҳбарлик қилади. "Ёвқочар" маҳалла фуқаролар йигинининг 115 нафар фуқароси марказнинг доимий китобхони ҳисобланади. Абдубанноп Мўминов, Ёқутхон Тўхтаўжасва, Ўқтам Иназаров, Наримон Шодиев, Санобар Нишоновалар марказда ўтказиладиган тадбирларга амалий ёрдам бермоқдалар. Марказ ўқув залида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан китоблар бурчаги ташкил этилган бўлиб, унда тадбиркорлар, фермерлар учун адабиётлар, йўриқномалар, тавсияномалар, ҳуқуқий-меъриё қўлланмалар қўйилган.

Ўтган йили вилоят ахборот-кутубхона маркази томонидан ўтказилган қўриқтанловда марказ раҳбари Г.Мўминова қатнашиб, намунали ишлаганлиги учун диплом билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, мазкур ахборот-ресурс марказининг доимо ўқувчилар, маҳалла аҳли билан гавжумлиги фаолиятга берилган баҳога муносиб бўлиш учун доимий изланиш олиб борилаётганидан далолат, десак муболага бўлмайди.

**Муҳаммаджон
МАҲМУДОВ**

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Қўқон почта алоқаси тармоғи ходими Машрабжон АКБАЕВни 55 ёши, Қўва почта алоқаси тармоғи ходими Дилоромхон ЭГАМБЕРДИЕВни 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Уларга соғ-омонлик, узоқ умр, фарзандлар камолини қўришликни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси ўзининг муборак 60 ёшини нишонлаётган филиал техниги Владимир ПЛЕШКОВни самимий қутлайди. Унга узоқ умр, бахту омад тилайди.

Футбол

Бугун Ўзбекистон — КХДР ўйини

Бугун Ўзбекистон терма жамоаси "Пахтакор" стадионида Жаҳон чемпионатида 3-саралаш босқичи доирасида Шимолий Кореяга қарши гуруҳ босқичи 4-тур учрашувини ўтказди.

Вадим Абрамов шогирдлари ушбу учрашувда ғалаба қозонишса, кейинги босқич масаласини муддатидан аввал ҳал қилишди. Шимолий Корея учун эса аксинча, бу — сўнгги имконият. Демак, бугун мурасасиз ва шиддаткор ўйин гувоҳи бўламиз.

Учрашув 18.00да бошланади.

Ўзбекистон XX миллий чемпионати якунланди

Ўтган кунни Қаршида кечган "Насаф" — "Пахтакор" ўйини билан бу йилги олий лига баҳслари расман якунланди.

Барча жамоалар 26тадан учрашув ўтказишди. Мамлакат чемпиони "Бунёкор" жамоаси бўлди. Кумуш медални "Насаф", бронзани эса "Пахтакор" қўлга киритди.

Регламент бўйича "Қизилқум" ва "Сўғдиёна" жамоалари олий лигани тарк этишди.



Одил рамзий терма жамоада



Sports.ru сайти Россия чемпионати-нинг бу йилги мавсум рамзий терма жамоаларини аниқлашни бошлади.

Дастлабкиси "Рамзий терма жамоалар-2011. Кашфиётлар" деб номланади. Мавсумнинг ушбу рамзий терма жамоасига ҳамюртимиз Одил Аҳмедов ҳам киритилган.

Ёшларимиз Осиё чемпионатида

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Эронда бўлиб ўтган саралаш босқичининг "С" гуруҳида Покистон, Ҳиндистон ва Туркменистон ёшлар терма жамоаларини мағлубиятга учратган ҳолда муддатидан аввал Осиё чемпионатининг финал йўлнамасини қўлга киритганди.

Аҳмаджон Мусаев шогирдлари мусобақадаги сўнгги ўйинни мезбонлар Эрон терма жамоасига қарши ўтказди.

Кутилганидек, учрашув жуда кескин ва мурасасиз курашлар остида кечди. Вазиятлардан унумлироқ фойдаланган эронлик ёшлар якунда 2-0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Шу тариқа, гуруҳда Эрон биринчи, Ўзбекистон эса иккинчи ўринни эгаллаб, келаси йили бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида иштирок этадиган бўлди.

Фигурали учиш

Ҳамюртимиз халқаро турнир совриндори

Австрияда фигурали учиш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Михаил Ге кумуш медални қўлга киритди.

Ўзбекистонлик спортчи 199,12 балл тўплади. Мусобақада биринчи ўринни америкалик спортчи қўлга киритди.



Универсал жанг

Жаҳон чемпионатида медаллар билан

Москва шаҳрида универсал жанг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, учта кумуш ва тўққизта бронза медални қўлга киритди.

Қирққа яқин мамлакатдан 250 нафардан зиёд спортчи қатнашган бу нуфузли мусобақа универсал жангнинг рингда рақибга зарба қўллаш мумкин бўлган классик ҳамда кураш усуллари ишлатиладиган енгил йўналишлари бўйича ўтказилди.

Енгил универсал жанг йўналишида 95 килограмм вазнда рингга чиққан ҳамюртимиз Дилшод Сурхонов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Феруз Саидовга эса бронза медал насиб этди.

Классик йўналишда Қувват Жуманиёзов кумуш медални қўлга киритди. Универсал жанг бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони Алишер Абдуллаев эса бу савар бронза медал билан кифояланди. Яна



бир ҳамюртимиз Муҳаммадали Тоштургунов ҳам шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Ҳар иккала йўналишда ҳам ўз маҳоратини намойиш этган Аъзам Ҳайдаров биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритган бўлса, Нуриддин Долимов ва Жамол Омонов иккитадан бронза медал билан тақдирланди.

Жаҳон чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсида иштирок этган Нодира Казакова ҳар икки йўналишда совриндорлар қаторидан жой олди. У классик йўналишда кумуш, енгил йўналиш бўйича бронза медал билан тақдирланди.

Таэквондо

Умумжамоа ҳисобида биринчи

Россиянинг Сочи шаҳрида таэквондо ITF йўналиши бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этди.

Ундан зиёд давлатдан таэквондочилар қатнашган турнирда ҳамюртимиз, таэквондо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Санжар Олимов икки марта шохсупага кўтарилди. Тажрибали спортчимиз масоғи беллашувида олтин, тил баҳсларида кумуш медални қўлга киритди.

Спортчиларимиздан Жаҳонгир Аъзамов, Камрон Искандаров, Жаҳонгир Абдурахимов, Фарангиз Алиева ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Турнирда юртдошларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Сув спорти


Муҳташам иншоот

Наманганда "Ёшлик" ҳавзаси қайта таъмирланиб ишга туширилди. Ушбу ўзига хос иншоотнинг очилишида синхрон сузиш бўйича юлдуз спортчилар иштирок этишди.

"Ёшлик" директори Равил Вишняковнинг таъкидлашича, бундай сув спорти мажмуаси МДХ давлатларида мавжуд эмас. Бу ерда сувни тозалаш бўйича Испаниянинг машҳур "Astral pool" фирмасининг ускуналари ўрнатилган.

— 2012 йили ушбу саройда клублар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилиши режалаштирилган, — дейди Равил Вишняков. — Бироқ биз ҳатто жаҳон чемпионатини ўтказишга ҳам тайёرمىз.

Ҳозирда ушбу сув ҳавзасида машғулотлар ўтказиш учун Россия, Хитой ва Осиёнинг бошқа жамоаларидан мурожаатлар келиб тушган.



ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади

Кафедра мудири:

Телерадиоэшиттириш студия жиҳозлари — 1.

Катта ўқитувчилар:

Телерадиоэшиттириш студия жиҳозлари — 1, Иқтисодиёт назарияси — 1, Информатика — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Техник таълим педагогикаси — 1, Чет тиллари — 3, Информатика — 1, Компютер графикаси ва дизайн — 1, Телевидение ва радиозиттириш — 1, Олий математика — 1, Радиотехника ва радиоалоқа — 1, Электр занжирлар назарияси — 1, Телерадиоэшиттириш студия жиҳозлари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108.
Телефон: 238-64-06.

Дунёдаги энг улуғ мартаба оталарники бўлса керак. Зеро, "Ота рози — Худо рози" нақли бежиз айтилмаган. Шунинг баробарида халқимизда "Устоз отангдек улуғ" деган пурмаъно ҳикмат ҳам бот-бот такрорланади. Бу гапларга эса изоҳнинг ҳожати йўқ.

Тўрт-беш ёшларда эдим. Отанинг ишдан эрталоқ қайтишини, унинг "Қисси Рабғузидан"дан айтиб берадиган ҳикоятлари давомини кутиб ўтирдим. Отам келгунча онамни қис-тар, у биладиган ва ўн марталаб тинглаганим — "Кўнгиз бескача" ва "Айувли" эртакларини қайта эшитишни истардим. Аммо эртак тугамасдан онамни мудроқ босар, баъзан икки эртак аралашиб кетар, шундагина тузатиш киритишдан безор бўлиб, уни ўз ҳолига қўярдим.

Ниҳоят, отам келар, биронта ҳикоят айтиб бермагунча "кутулмас" эди. Шундай кунларнинг бирида кечика-вергани учун уни қўрқитмоқчи бўлдим. Эшикдан кираверишга — деворга қапишиб туриб, уйга кириши билан "вахх" дедим. Отам ёлғондан "чўчиб" тушди. Не ажабки, бу уйин менга ёқиб қолди. Эртасига, индинига яна шу ишимни такрорладим. Сўнгги кун "вахх" дейишим билан юзимда, "шовла қайнади".

Уч кунча аразладим. Лекин энди отамдан бошқаларни ҳам салом билан кутиб оладиган бўлдим. Бу ҳаётимдаги илк сабоқ эди...

Мустақиллигимиз эълон қилинган йили бизни мактабга қабул қилинган. Синф раҳбаримиз Моҳитоб муаллим ўта меҳрибон эди. Ўғли бўлмагани учун-

ми, айниқса, ўғил болаларни кўпроқ яхши қўрарди. Махсус синф бўлганимиз учун тушгача ўқитилгач, овқат-лангилари, дам олиш хонасида ухлатиларди. Айни пайтда бу хона жазолаш жойи эди. Ким айб иш қилса "қамаларди". Бир сафар қиз болани урганим учун мен ҳам жазоланган, кийим

шаҳарга — имтиҳонга тайёргарлик қўриш учун кетишим керак. Шу боис "ҳадди сиққан ўқувчи" сифатида ўқитувчимизнинг олдида тез-тез бориб келаман. У эса:

— Болаларни бир синфга йиғиб тур, — дейди-ю, қўлидаги шаҳодатномаларга қараб қўйиб, бошқа бир

кўпчилик синфдошлар бир-бирига қараб табассум қиялти-ю, кўзларида ёш. Вужудим титраб кетди. Ўқитувчимиз бошидан кечираётган ҳолатни энди тушунгандай бўлдим...

Ўша йили омадим чопиб талаба бўлдим. Университетда жуда кўп ўқитувчилар таълим берди. Улар ичида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган Қозоқбой Йўлдошев, Абдуғафур Ра сулов, Омонулло Мадаев, Абдулла Улугов, Баҳодир Каримов, Олим Тўлабоев, Узоқ Журақулов каби ус-тозларимни тилга олмай ўтолмайман.

Айниқса, Абдумурод Тилолов нафа-қат илм олиш, балки шахсий ҳаётимда ҳам ижобий таъсир қўрсатган. Устоз до-имо "ҳар ишни бошлашдан олдин ният қилиб, ишонч билан ҳаракат қилсан-гиз, албатта, қўзлаган мақсадингизга етасиз", дея ўргатарди. Бунинг исботи-ни кўп қўрдим. Масалан, хорижга чи-қиш озуим амалга ошган. У тил ўрга-нишда таржима ишлар қилиш муҳими-лини таъкидлар экан, бизни рағбатлан-тирар, ўтирган кичик асарларимизни тўплаб, нашр этилишига бош-қош бўларди. Яна бир муҳим хислати: олти йил мо-байнида унинг бирон марта жаҳди чиқ-қани, бировга баланд овозда таъбири-ни кўрмаганман. Ҳолбуки, биз дарсдан бўш вақтларда ҳам тез-тез қўришиб ту-рардик. Бир сафар уйда меҳмон бўл-ганимизда, уч ёшдан ошган ўғли дастур-хонга тўкилган ушоқларни териб еркан, бунинг савоб эканини ўқитганди...

Мен шундай устоз ва мураббий-лар қўлида таълим олганимдан фахрланаман.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
журналист

Отамдек улуғларим

илинадиган жавонда ўтириб, ёлғиз қолиш нақадар ёмонлигини ҳис қилиб йиғлаганман. Шу-шу одобли ва аъло-чилар сафида бўлдим. Раҳматли муал-лимнинг руҳи шод бўлсин.

Юқори синф-ларда бироз қат-тиққўл муаллим — Омонхон Исмо-илов раҳбарлигида ўқидик. Балки ўз дарсига талабчан бўлгани учун ҳам она тили ва адабиёт фанини яхши ўзлаштиргандирман. Вилоят миқёси-да ўтган фан олимпиадасида қатнаш-ган эдим. Ўшанда унинг боладай қувонгани кўз олдимдан кетмайди. У билан боғлиқ яна бир ҳодиса қўли-мизга битирув шаҳодатномаларини олганимизда содир бўлди. Эртасига

ўқитувчи билан суҳбатини давом эт-тиради.

Ҳамма йиғилган, кутяпти, — ху-нобим ошди. Пойтахтга кетишни ўйлаб юрагим ҳаприқиб боряпти. Ўқитувчи-мизнинг нега бугун ўзгариб, "тепса теб-

ранмас" бўлиб қолганига тушунолма-й каловлианиб турибман. Бир фурсат ўтиб у чуқур тин олди. Сўнг жалад ўрнидан туриб, биз ўтирган синфга кириб кел-ди. Шошилганча исм-фамилияларни ўқий бошлади. Олдида борганларнинг қўлини сиқиб табрикларкан, овози титрар, ёноқлари пир-пир учарди. Ишнинг тугатгач, ҳаммага омалу иқбол тилаб, тезда синфни тарк этди. Ўзим-ни жуда ғалати ҳис қилдим. Қарасам,

USTOZGA ENTIROM

Танамиздаги касалликларга табиатдан ҳам даво топиш мумкин. Масалан:

СТОМАТИТ ВА ПАРАДОНТОЗДА

Майда қирғичдан ўтказилган ерқалампирдан 1 чой қошиқ олиб, 1 стакан сувга солиб аралаштирасиз. Малҳамни докадан ўтказиб, кун давомида бир неча марта оғизни чайиш лозим.

ШИФОБАХШ ШОЛҒОМ

Шолғом таркибида кимёвий унсурларнинг барчаси мавжуд. Шу сабаб ҳам кўпгина касал-ликларга даво ҳисобланади. Масалан, қўриш қобилияти пасаймаслиги учун шолғомнинг пи-ширилганини ҳам, хомини ҳам еб юриш лозим. Бундан ташқари, қайнатилган шолғом йўтал-га шифолиги ҳам маълум.

● Шолғомни қайнатиб, майда тишли қирғичдан ўтказасиз ва докага қўйиб, оғриган бўғимингизга боғлаб қўясиз. Устидан бошқа мато билан боғлаб, 2-3 соатдан кейин ечасиз. Шолғом яллиғланишга қарши хусусияти билан оғриқни тез қолдиради.

ЛИМОНЛИ ДАМЛАМА

Сочлар соғлом ва қазғоқсиз бўлиши учун қўйидаги рецептдан фойдаланиш мумкин: 1 л. сувга 4 дона лимон пўстлогини солиб, 15 дақиқа давомида қайнатасиз. Тайёр қайнатмани докадан ўтказиб, сочингизни чайясиз.

● Бундан ташқари, туятовон (мать-и-мачеха) ўтининг қуритилган япроқларидан 1 ош қошиқ олиб, 1 стакан қайноқ сув қўшиб термосда дамлаб қўясиз. Дамламани докадан ўтқа-зиб, бир ҳафтада бир марта сочингизни чайинг.



Шу сонга телеграммалар

"Ўзбектелеком" АҚ
"Телекоммуникация Транспорт Тармоғи"
филиали ходимлари 550 дона "Xabar"га
йиллик обуна бўлишди.

Филиал маъмурияти

"Ўзбектелеком" АҚ "Бизнесни
Ривожлантириш Маркази" филиали
томонидан ҳам "Xabar"га 70 дона тўлиқ
бир йилга обуна уюштирилди.

"Бизнесни Ривожлантириш маркази"
филиали маъмурияти

ЛАТИФА

Ота кўчадан қўлида тошбақа билан кирган ўғлидан сўради:

— Ўғлим бу тошбақани нима қилмоқ-чисан?

— Далажон, тошбақа ҳақиқатан ҳам икки юз йил яшайдими ёки йўқми, шуни синаб кўрмоқчиман.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳасан МУҲИТДИНОВ (Ҳайфат раиси), Асадхон ХҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖИДДИНОВ,
Рустам ҚОСИМОВ, Абдуҳан АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан қўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —
Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-1152 сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қороз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ,
Адади: 13074 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва сақланганли.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга тоширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 223-27-85

Гулистонда 40-12-19

Жиззахда 226-06-34

Навоийда 225-91-10

Наманганда 226-61-85

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 233-61-81

Термизда 224-06-12

Тошкентда 288-40-66

Урганчда 226-37-16

Фарғонада 224-91-56

Қаршида 314-08-99